Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 128 (5719)
5 ИЮНЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДОИМИЙ КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети савдо ва маиший хизмат доимий комиссиясининг 4 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида аҳолига хизмат қилувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режими билан боғлиқ иш вақти зое кетишининг олдини олиш борасида Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш, Савдо министрликларининг, Ўзбекбирлашувининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти батафсил муҳокама қилинди.

Комиссия аъзолари жойлардаги ишларнинг аҳволини муфассал ўрганиб чиқиб, мажлисда шуни маълум қилдиларки, меҳнаткашлар маиший хизмат корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига боришларига тўғри келаётганлиги натижасида иш вақтининг анчагина қисми зое кетмоқда. Маиший хизмат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг иш режими одамларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда банд бўладиган соатларга тўғри келади, дам олиш кунлари эса шанба ва якшанбага қўйилган.

Комиссия аъзолари, депутатлардан Б. И. Бугров, Б. Ж. Ҳакимов, Ю. А. Асепков, Ш. К. Назарова ўз нутқларида аҳолига хизмат қилувчи ташкилотлар иш соатларини белгилаш чоғида ўзларининг маҳкамачилик манфаатларидан келиб чиқаётганликлари, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашадиган муҳим омилларнинг бири сифатида оқилона иш режимининг аҳамиятига етарлича баҳо бермаётганликлари каби фактларга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидладилар.

Кўпгина халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ҳам магазинларнинг, маиший хизмат корхоналарининг, мактабгача тарбия муассасаларининг аҳоли учун қулай иш графигини белгилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар. Улар мазкур масалалар юзасидан қарорларни меҳнат коллективларининг фикрларини ҳисобга олмай маиший хизмат корхоналари раҳбарларининг таклифларига амал қилиб қабул этмоқдалар.

Мажлисга таклиф этилган Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри В. В. Куксенко ва Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов, Ўзбекбирлашув правленниесининг раиси З. Ш. Сирожев маҳаллий Советлар шаънига меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақти зое кетишини тугатиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг талабларидан тегишли хулосалар чиқариб олинмаганлиги учун жиддий эътирозлар билдирилди.

Комиссия Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетларига маиший хизмат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш режими меҳнаткашлар учун энг қулай бўлиши, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари эса уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига зарар етказмаган ҳолда қондирилиши учун ана шу иш режимини қайта кўриб чиқишни тавсия этди. Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликларига, Ўзбекбирлашув правленниесига ўзларига қарашли ташкилотлар иш графигига сўзсиз риоя этиш устидан контролликни кучайтириш таклиф қилинди.

Маиший хизмат корхоналари ва муассасаларининг белгиланган иш тартибига риоя этилаётганлиги, уларнинг иш сифати оширилаётганлиги тўғрисида тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини Советларнинг сессияларида, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссияларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун мунтазам суратда тақдим этиб туриш керак. Интизомсизликнинг ҳар қандай кўринишларига, маиший хизмат соҳасидаги айрим ходимларнинг ўз манфаатларини меҳнаткашларнинг манфаатларидан устун қўйиш йўлидаги уринишларига барҳам бериш зарур. Мана шу чораларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорлари талаб этаётганидек, ҳамма жойда интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

[ЎзТАГ].


МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА

• Сўз—ташаббускорларга

Ҳамиша изланишда

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан республика саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш илғорлари ташаббусини қўллаб-қувватлаганлар орасида 11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг В. Колганов бошлиқ комплекслашган бригадаси коллективи ҳам бор. Бу бригада коллективи «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги мусобақага қўшилиб, ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

Бугун Владимир Васильевич КОЛГАНОВ коммунистларнинг бўлажак анжуманига бағишланган зарбдор меҳнат вахтаси жараёнида коллективнинг олиб борадиган истиқболли ишлари ҳақида ҳикоя қилади.



— Коллективимиз республика ишлаб чиқаришда илғорларининг ташаббусини зўр қувват билан кутиб олди. Мамлакатимиз ҳаётида юз берадиган бу ажойиб воқеа шарафига коллективимиз меҳнат совғаларини қозирлашга киришди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг ғоятда муҳимлигини англаган ҳолда биз ўзимизнинг имкониятларимиз н и қайта кўриб чиқдик, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш учун қўшимча резервларни изладик.

Бригадамиз Лохутий кўчасидаги 16 қаватли уй-жой биноси қурилишида Вильнюс қурувчилари тажрибаси асосида катта ҳажмли кўчма ополовкаларни биринчи марта ишлата бошлади. Биз объектда умумий қурилиш технологияси қоидаларига зарар етказмаган ҳолда ополованинг конструкциясини қисман такомиллаштирдик. Бу иш сифати ва суръатига ижобий таъсир қилди, пардозлаш учун материаллар сарфи камайди. Такомиллаштириш ишларини ўзимиз олиб бордик. Ополовкани йиғиш ва бўлакларга ажратишни осонлаштирдик. Натижада бригаданинг барча 20 аъзоси меҳнат унумдорлиги ошди, ҳозирда бир ярим қаватни бир ойда монтаж қиляпмиз.

Муваффақиятларимизнинг асосий омили — булар одамлардир. Бригадада аъло даражадаги мутахассислар: монтажчилар, бетончилар, дурадгорлар меҳнат қилишади. Улар керак бўлиб қолган ҳолларда бир-бирнинг ўрнини бемалол босади. Бригадамиз «Москва» меҳмонхонаси, «ЎзТАГ», пойафзаллар уйи ва бошқа бинолар нинг қад кўтарганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Буларнинг барчаси ноёб иншоотлар бўлиб, улар ўз вақтида аъло сифат билан бунёд этилди. Бу ишда ветеранларимиз, коммунист Равшан Гимранов, электрпайвандловчи Александр Дюев, монтажчи Григорий Бай, дурадгор Жаббор Бобожонов ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Худди ана шу ажойиб қурувчилар бутун коллективни Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига атаб пландан ташқари 30 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга чақирдилар. Йиллик планни 5 декабрга бажариш ва планга қўшимча 19 минг сўмлик маблағни ўзлаштириш топшириғини олдик. Шунингдек Октябрь байрамига атаб 16 қаватли уйдаги умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказишга аҳд қилганмиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз партия XXVII съездини муносиб армуғонлар билан кутиб олишдир. Партия анжумани очиладиган кунга қадар 1986 йилнинг дастлабки икки ойлик топшириғини бажариш тўғрисида рапорт бериш ва тежаб қолинган материаллар асосида икки кун ишлаб бериш мажбуриятини олдик.

ИЛҲОМ ВА ИЖОДКОРЛИК

Тошкент трактор заводи бирлашмасидан Сергей Егоровнинг комсомол-ёшлар бригадаси фестиваль очилишини меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини муддатидан илгари бажариш билан нишонлашга қарор қилди.

Бригада бошлиғи яқинда Ленин комсомоли мукофотни лауреати унвонига сазовор бўлган эди. Бу коллективдан ўрнак олган кўпгина ёшлар бригадалари фестиваль шарафига йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини қабул қилдилар.

Корхона цехларини анжуманининг ранг-баранг мойчечакдан иборат эмблемаси безаб турибди. Деворий газеталарнинг махсус сонлари тракторсозлар фестивалига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу мақолаларда ёш ишчиларнинг Москвадаги анжуманда республика номидан қатнашиш ҳуқуқи учун бошланган мусобақалари тўғрисида, тушадиган маблағ фестиваль жамғармасига ўтказилади ган шанбаликлар ҳақида, дўстлик кечалари тўғрисида хабар қилинмоқда.

Меҳнат совғалари

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси автомат бошқариш системаси махсус лойиҳа конструкторлик бюросининг ёш мутахассислари поршинг ўтиш сигнализаторини ишлаб чиқдилар. Магистраль газ қувурларини тозаланишини аниқлайдиган бу прибор бир йилда 71 минг сўм иқтисодий самара беради. Ёш конструкторлардан Ҳ. Мавлонов, Ш. Ҳошимов, С. Иброҳимовнинг ёшлар ва студентлар анжуманига меҳнат совғаси шундай бўлди.

Бирлашмада Москвадаги ёшлар байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақа авж олдириб юборилди. Ҳаваскорлар бадиий коллективлари жаҳон халқларининг қўшиқларидан тузилган программани тайёрламоқда, комсомол активлари тенгдошларини фестиваль ҳаракатининг вазифаларини билан таништирмоқдалар. [ЎзТАГ].

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советлари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 37-моддасига биноан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1985 йил 20 июнь куни чақирилсин.

2. Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш бўйича халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, министрликлар, идоралар, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг вазифалари тўғрисида;

— сайловчиларнинг ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига ва ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларига наказларини амалга ошириш бўйича тадбирлар плани тўғрисида;

— Тошкент шаҳар суди аъзолари тўғрисида.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг раиси

Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг секретари

Ф. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Тошкент область партия комитетида 3 июнь куни меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтининг зое кетишини камайтириш жамоат кўригини ўтказиш бўйича область ташкилий комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни область партия комитетининг секретари, ташкилий комитет раиси Ш. З. Камолхўжаев олиб борди. Акмал Икромов райони ташкилий комитетининг иши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидландики, Тошкентдаги бу районнинг партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш юзасидан муайян ишларни олиб бормоқдалар. Ички ликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш кучайди, спиртли ичимликларни сотиш тартибга келтирилди. Кўрилган чоралар натижасида қатор корхоналарда иш вақтининг зое кетиши қисқарди, ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни бузиш ҳоллари камайди.

Шу билан бирга Акмал Икромов район меҳнат коллективларида жамоат кўригини ташкил этишда каттагина камчилик ва нуқсонлар ҳам бор, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш имконини берадиган резервлардан тўла фойдаланилмаяпти. Район ташкилий комитетининг суст назорати ва лозим даражада талабчанлик кўрсатмаётганлиги оқибатида қатор коллективлар, жумладан, «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узместремстроймонтаж» трести нинг ремонт-қурилиш бошқармаси, район ободонлаштириш бошқармаси ва бошқа коллективлар шу вақтгача кўрикни ўтказишга қўшилганлари йўқ.

Заргарлик заводи, булка-кондитер комбинатида меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кураш суст ва бўш кенгайтирилмоқда, бу корхоналарда Қонунга мувофиқ меҳнат коллективларига берилган ҳуқуқлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти, ўртоқлик судлари фаолиятсизлик кўрсатмоқда.

Қатор корхоналарда ишчиларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши ва дам олиши учун лозим шароитлар яратиб берилмаган. Айниқса, булка-кондитер комбинати, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда бундай камчилик сезиларли даражададир. Райондаги барча меҳнат коллективларида ичкиликбозлар, прогулчилар ва бошқа интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазияти тўла вужудга келтирилганича йўқ.

Бунинг оқибатида қўпчилик корхоналарда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари ҳали ҳам тез-тез содир бўлмоқда. Иш вақтининг йўқолиши камаймаяпти, кадрлар қўнимсизлиги давом этмоқда.

Область ташкилий комитети қабул қилган қарорда Акмал Икромов райони ташкилий комитети зиммасига корхоналар ва муассасалар партия, касаба союз ташкилотлари, маъмуриятлари билан ҳамкорликда кўрсатиб ўтилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш вазифаси юклатилди. Бунда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари, иш вақтининг кўнимсизлигининг кўпайиши сабабларини чуқур таҳлил қилиш, зарур ташкилий ва идеологик тадбирларни амалга ошириш, райондаги барча меҳнат коллективларида прогулчилар, ичкиликбозлар, ўзининг нопок аҳлоқи билан ишчи шуҳратига доғ тушираётган, район меҳнаткашларининг давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришига ҳалақит бераётган кимсаларга нисбатан ҳақиқий муросасизлик вазиятини вужудга келтириш ёрдам беради.

МОНГОЛ ГАЗЕТАЛАРДА

Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукуматининг таклифига биноан шу йил июнь ойининг ўрталарида Совет Иттифоқи (Карелия АССР, Костомукша шаҳри)га келади.

Президент М. Койвисто СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан бирга Костомукшадаги кон-саралаш комбинати қуриб битказилганлиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда иштирок этадилар. Ана шу комбинатни барпо этишда Финляндиянинг фирмалари қатнашган эди.

• Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Югославия касаба союзлари делегацияси Тошкентда

Республикамиз пойтахтида ЮСФРнинг Тошкент билан биродарлашган Скопле касаба союзлари шаҳар советининг делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга касаба союзлари шаҳар советининг секретари Слободанка Кузмановска бошчилик қилаяпти. У билан бирга Тошкентга касаба союзлари шаҳар совети президиумининг аъзоси Юршид Рифат, касаба союзлари жамоа советининг раиси Вера Крстевска ташриф буюрдилар. Улар Тошкент ва пойтахт области касаба союз ташкилотларининг иш тажрибалари билан танишмоқдалар.

Македония Социалистик Республикасининг пойтахти Скопле билан Тошкент ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораяпти. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров бошчилик қилган делегация Скопле шаҳрига сафардан қайтиб келган эди. Биродарлашган шаҳар аҳолисининг ҳаёти билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдинова, «Ташгенплан» институтининг директори Ю. Г. Мирошниченко, 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов танишдилар.

Мана янги учрашувлар, янги таниишувлар. 540 минг кишилик аҳолиси бўлган, 20 йилдан бери дўстлик алоқалари ўрнатилган биродарлашган шаҳар делегацияси Тошкентга келди. Меҳмонлар маҳсулоти бутун мамлакатимизга ва чет элларга жўнатилаётган «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Скопледаги Кирилл ва Мефодий номидаги университет билан биродарлашган Тошкент Давлат университетида, Навоий номли театрда бўлдилар, шаҳар билан танишдилар.

Скопле касаба союзлари делегациясини Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров қабул қилди. Унда Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Бралов қатнашди.

Делегация шунингдек Тошкент область касаба союзлари Советида ҳам қабул қилинди.

* * *

СУРАТДА: Скопле шаҳри делегацияси аъзолари. Т. Каримов фотоси.





УЛУҒ ХАЛҚНИНГ УЛУҒ ШОИРИ

БУГУН ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Бутун мамлакатимиз халқлари билан биргаликда жонажон республикамиз аҳли учун ҳам анъанавий пушкинхонлик бошланди. Буюк рус шоирининг бетакрор лирикаси, ажойиб шеърияти умуминсоний туйғулар ва ғоялар билан йўғрилгани учун ҳам ҳамиша авлодларни ҳайрат-завқига ҳамоҳанг янграб келди. Эрк ва умид ғоялари шоирнинг ҳар бир сатридан эл кўнглига қуйилиб, уни зафарли қурашларга, бунёдкор орзулар сари илҳомлантирди.

Бугун замондошлари «Улуғ халқнинг улуғ шоири» деб улуғлаган Пушкининг бетакрор шеърияти турфа халқлар тилларида жаранглamoқда. Анъанавий пушкинхонлик кунлари муносабати билан республикамиз қишлоқ ва шаҳарларн, олий ўқув юртлари, меҳнат корхоналарида адабий кечалар, шоир асарлари қаҳрамонлари билан учрашувлар бўлиб ўтади. Шеърият мухлислари ёркин шеърият соҳибига дил сўзларини билдириш учун шоир номи билан боғлиқ жойларга ташриф буюрадилар, ҳайкали пойига гулдасталар қўядилар.



ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ИНТЕРВЬЮ

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАГАН ШЕЪРИЯТ

Республикамизда бошланаётган пушкинхонлик кунлари муносабати билан мухбиримиз Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, пушкинхонлик кунларини ўтказиш республика комитетининг аъзоси, таниқли шоир Эркин ВОҲИДОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Эркин Воҳидович, пушкинхонлик кунларини ўтказиш ўлкамизда яхши анъанага айланиб қолди. Ушбу ёркин шеърият байрамининг аҳамияти хусусида гапириб берсангиз.

— Пушкин ҳамма замонларнинг шоиридир. Чунки у куйлаган ғоялар ҳамиша киши юрагини тўлқинлантириб, муҳаббат ва эрк, ҳақиқат ва адолат учун курашга чорлайди. Шоирнинг шеърларини ўқиган кишида одамларга нисбатан меҳр уйғонади, руҳи енгил тортиб, завқ олади.

Пушкинхонлик кунларини ўтказиш шубҳасиз, жуда катта аҳамиятга эга. Шеърият байрами туфайли забардаст шоир ижодидан янги таржималар эълон қилинади, биз Пушкинни яна бир марта ўзимиз учун қайта кашф этамиз, хонадонимиз меҳмонларга тўлади...

Халқ зукко одамлар ҳақида гапирганида кўпинча «кулиб туриб ўйнатади» ёки «ўйнаб туриб ўйлатади» деган ибораларни ишлатади. Пушкиннинг барҳаёт шеърияти ана шундай руҳан енгил, ёқимли ва ҳузурбахшдир.

— Сиз бир суҳбат чоғи Пушкин шеърларини болалик пайтингг боладек завқланиб, кексалик пайтингг эса ўйланиб-ўйланиб мутолаа қиласан киши, деган эдингиз...

— Тўғри. Пушкин шеърияти осмон юлдузларининг Олтин қозиғига ўхшайди. Ўзоқ умрида поэзия турли оқим ва йўналишларни кечиб ўтган. Лекин у айланиб-айланиб яна бир куни ўша Пушкин ёғдусига қайтаверади. Зеро, Пушкин шеъриятидаги ғоявий аниқлик, руҳ озодлиги, руҳий кўтаринкилик ва муҳими — соддалик поэзиянинг энг асосий омилларидандир.

Ҳақиқий шеърият инсоннинг доимий ҳамроҳи, ҳаммаслаги бўлиб қолади. Болалигингда у сени эртаклар оламига етакласа, кексайган пайтингг кўнглингга қувонч бахш этади, руҳингга мадад беради.

(Давоми 3-бетда).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Собир Раҳимов районидаги «Геологоразведка» заводида биринчи марта асл металларни рудадан саралайдиган «ПОУ—4—2М» маркали дала саралаш қурилмасини ўзлаштиришга киришилди. Бу ускуна геологларнинг дала экспедицияларида дастлабки синовларни олиб боришда қўл келади. Корхона келгусида мамлакатимизнинг турли илмий экспедицияларига шундай ускунадан бир йилда 40 тадан тайёрлаб беради.

● 7-кўприксозлик трестининг 13-кўприксозлик отряди азаматлари бунёд этилаётган мотор заводи учун эстакада ва кўприк қурилишини ниҳоясига етказдилар. Иншоотнинг бунёд этилишида И. А. Бацула бошлиқ комплекс пудрат бригадаси самарали меҳнат қилди. Ана шу иншоот қурилишида кўприксозлар 4 миллион сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирдилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 18—20, эртага кундузи 28—30 даража иссиқ бўлади.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

● МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯМИЗ АНЖУМАНИГА
● МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА
● ИШЧИ КАСБИНИ УЛУҒЛАБ
● МУСОБАҚА —ЮТУҚЛАР ОМИЛИ.



«МАЛИКА» ЧЕВАРЛАРИ ВАХТАДА

• Фоторепортаж





КПССнинг XXVII съезди шарафига бошланган умумхалқ соцалистик мусобақасида «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам актив қатнашмоқда. Корхона чеварлари кунлик смена топшириқларини муваффақиятли бажаришиб, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишяпти.

Шу кунларда Москвада бўладиган ўн иккинчи жаҳон ёшлари фестивали буюртмасига биноан бирлашмада уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда фестиваль ташкилий комитетининг буюртмасини қўлга киритиш учун бошланган мусобақа айниқса авж олдирилган эди. Буюртмани бажариш шарафига муяссар бўлиш учун бирлашма чеварлари бутун маҳоратларини ишга солишди. Натижада фестиваль ташкилий комитети «Малика» чеварлари тақдим этган маҳсулотларнинг учтасига юксак диплом бериб, уни кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Корхонада меҳнат илғорлари кўплаб ишлашади. Айниқса 1-тикув цехининг илғор чеварн Феруза Азизованинг номи кўпчиликка маълум. Бу чевар қисқа беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилиб, кунлик топшириқларнн ортиғи билан ўринлаяпти. Шунингдек, Рашида Дўстмуродова, Гулнора Убайдуллаева, Нодира Нурмуҳамедова, Зулфия Орифжонова сингари ёшлар корхонада ташкил этилган соцалистик мусобақада байроқдорлик қилишаётир. Бу чеварлар ўз зиммаларидаги топшириқларнн муваффақиятли бажариш билан бирга фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. Мусобақа илғорн Феруза Азизова, 2. XII Жаҳон ёшлари фестивали ташкилий комитети томонидан берилган диплом. 3. Корхонанинг бир группа илғор чеварлари.

Е. Ботиров фотолари.

Депутат ва ҳаёт

Завқли ташвишлар

Раҳима опа икки қиз ва икки ўғлига ҳам ота, ҳам она бўлиб, оқ ювиб, оқ тараб эл қаторига қўшиш орзусида уларни меҳр чашмаси билан ардоқлаб вояга етказди. Катта ўғли Абдуазиз ўрта мактабни битирибоқ ҳам ўқиб, ҳам ишлаш ниятини билдирди. Ўғлининг меҳнатга муҳаббат қўйғанидан севинган онанинг кўзларига ёш қалқди.

— Майли, ўғлим қаерга ишга кирмоқчисан, — деди у.

— Ойи, мен кўпчилик каби заводда ишлагим келади,— дея жавоб қилди ўғил.

Ҳар бир ёшнинг ўзи танлаган йўли бўлади. Абдуазиз Алиохунов ҳам тўғри йўлни танлади. Октябрь районида жойлашган мебель саноати тажриба-техника заводига ишга кирди. Бу завод маъмурияти ёш, эпчил йигитни ишга олатуриб, унинг меҳнатда донг таратган ишчилар сафидан жой олишига шубҳа қилмаган эди. Меҳнатни жондилидан севиб қадрлайдиган Абдуазиз йигувчи слесарь бўлиб ишлаб, касбдошлари орасида обрў-эътибор топди.

Тажриба-техника заводида асосан мебеллар учун ёрдамчи жиҳозлар тайёрланади. Стол-стулларнинг суянчиқлари, диван-каравотлар учун пружина-блоклар— бир сўз билан айтганда темирга «жон» ато этиладн. Бу ярим тайёр маҳсулотлар шаҳар ва область мебель корхоналарига етказиб берилади.

А. Алиохунов ишлайдиган цехда комсомол-ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Мана бир неча йил бўлдики, ойлик ва йиллик планлар донмо бажарилади. Ҳар бир қалби олов ишчи кунлик планни оширнб адо этяпти. Бу ишнинг яхши ташкил этилганини, оммавий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилаётгани туфайлидир. Айниқса, комсомол-ёшлар ўзаро мусобақани авж олдириб ишлашяпти.

Чунончи, Абдуазиз Алиохунов шу кунларда, айниқса, ғайрат кўрсатяпти. У план бўйича 52 комплект пружина-блок тайёрлаши керак. Илғор ишчи эса 100—110 та комплект тайёрлашга улгуряпти. Абдуазиздан бундай ютуққа эришиш сирини сўраганимизда, «Мен вақтни тежайман. Ҳар бир минутни қадрлаб, ундан унумли фойдаланаман. Ишга ҳам эртароқ келаман. Умуман касбимни жуда севаман», деди.

Демак, ютуқлар калити касбга меҳр қўйишда экан. Шу цехда у билан бирга меҳнат қиладиган ишчи-ёшлардан Ҳайдар Турсунов, Аҳмад Одилов, Ҳайрулла Солиҳовлар ўзаро мусобақадош бўлишиб, зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳам дўстлари Абдуазиз каби ошириларган мажбурият ҳисобига ишламоқдалар.

Бу йил Абдуазиз Алиохунов Октябрь район Совети депутатн этиб сайланди. Эндиликда уни заводдаги «ташвишлар» г и н а эмас, балки кенг жамоатчилик наказлари ҳам сабот билан ишлашга чорламоқда. У ишдан бўш вақтларида район аҳолисидан тушган истаклар асосида иш олиб бораётганнинг гувоҳи бўлдик. Масалан, Октябрь районидаги 38-мактабнинг атрофларига ва шу атрофда жойлашган қатор уйлар орасига ёритгичлар ўрнатилишн борасида анчагина ишлар қилди. Бир неча бор электр ёритиш идорасига борнб тегишли қарор чиқартириб, бу хайрли ишни охирига етказишга улгурди.

Дарҳақиқат, Ватан нимани кўпроқ талаб қилса, уни ўз вақтида ўрнига қўйиб бажарадиган, давлат ва халқнинг юксак ишончини оқлай оладиган ва сайловчиларнинг манфаатини ўйлайдиган киши депутат бўла олади. Ёш ишчи, халқ депутати Абдуазиз Алиохунов ҳам шундайлардан. «Сайловчилар наказини бажариш асосий бурчим экан, уни адо этишнинг завқи ҳам бор», дейди у.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Совет буюртмалари асосида

СОФИЯ. Киев, Ереван, Тошкент, Тбилиси ва Совет Иттифоқидаги бошқа кўпгина шаҳарлар Старазагорскдаги «Черевено знаме» машинасозлик заводининг маҳсулотлари юбориладиган асосий жойлар бўлиб қолди. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари учун бу ерда ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар совет бозорида мажзур бўлмоқда. Бу йил соатига 6 мингдан 36 мингтагача бутилкага алкоголсиз ичимликлар қуядиган, тухумларни сортларга ажратиб, жойлаштирадиган агрегатлар, этикеткалар ёзадиган машиналар ҳеч қандай рекламацияснз қабул қилинди.

«Черевено знаме»да автомат поток линиялар билан таъминланган учта янги цех, шунингдек ёрдамчи қувватлар ташкил этиш кўзда тутилади. Шу йилнинг ўзндаёқ биотехнологик жараёнлар учун серунум аппаратлар, хом ашё тайёрлайдиган машиналар, турли мақсадларга мўлжалланган қуритиш ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ана шу буюмларнинг кўп қисми соцналистик мамлакатларга, шу жумладан СССРга етказиб берилади.

«ТЕХНИКА КУНЛАРИ» ТУГАДИ

БЕЛГРАД. Югославия пойтахтида техника соҳасидаги ютуқларнинг анъанавий халқаро виставкаси — «май ойидаги техника кунлари» тугади. Виставкада 40 тадан кўпроқ мамлакатдан, жумладан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардан 600 тадан зиёд фирма ва компания қатнашди. Марказий виставка комплексининг павильонларида очилган кўргазма томошабинларни қурилиш, металлургия, химия саноатидаги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги техника янгиликлари билан таништирди. Унга илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини, замонавий приборлар ва асбоб-ускуналар яратишда, илғор технологияни ишлаб чиқишда турли мамлакатлар корхоналарининг саноат кооперациясини тасвирловчи экспонатлар қўйилган эди.

ХИМИЯВИЙ УРУШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг сенати Рейган маъмуриятининг 1986 молия йилидаги ҳарбий бюджет доирасида асабни фалаж қиладиган заҳарли моддалар жойланган сифат жиҳатидан янги типдаги химиявий ўқ-дори ишлаб чиқаришга салкам 163 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги талабини маъқуллади. Бу маблағ АҚШ армиясининг Пайн-Блаффдаги (Арканзас штати) химиявий комплексида бинар снарядлар деб аталган қурол ишлаб чиқарувчи қувватларни вужудга келтиришга сарфланади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Қўшма Штатлар жанговар заҳарли моддаларнинг жуда катта запасларини ғамлаб олган. Мутахассисларнинг тахминича, бу запасларда 150 минг тоннага боради, ўқ-дорилар миқдори эса 3 миллионтага етади. Бу заҳарли ўқ-дорилар Қўшма Штатлар территориясида, Ғарбий Европада, шунингдек Тинч океандаги Жонстон оролида асралмоқда. Американинг ГФРдаги омборларидаги 4 миллион литр «Зарин» ва «ВиЭкс» (лотинча ҳарфлар билан ёзилади) типидаги заҳарли моддалар бор. Мудофаа министри К. Уайнбергернинг 1985—1989 йилларга мўлжалланган директивасида АҚШ қуролли кучлари олдига тўғридан-тўғри «зудлик билан химиявий қуролни ишлатишга» шай бўлиб туриш вазифаси қўйилган.



ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган қирғин қуролларини жойлаштирилишига қарши тинчлик тарафдорларининг намойиши бўлиб ўтди. Улар сафига иккинчи жаҳон урушн қатнашчиларн ҳам қўшилишди. Намойиш қатнашчилари мамлакат ҳокимиятидан қирғин қуролларнни жойлаштирилишнни зудлик билан тўхтатилишнни талаб қилишди.

СУРАТДА: Америка ҳарбий базаси жойлашган Хайльбронндеда ўтказилган намойиш қатнашчилари.

Сальвадордаги жанговар ҳаракатлар

САН-ХОСЕ. Кейинги кунларда Сальвадорнинг ватанпарвар кучлари Дуартенинг халққа қарши америкапараст режими қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларни кучайтириб юбордилар. Мамлакатнинг турли районларида кескин жанглар бўлмоқда. Душман ўз аскарлари ва техникасидан катта талофот кўрмоқда. Кейинги икки кун мобайнида бўлиб ўтган жангларда партизанлар 50 кишини сафдан чиқардилар. Шу ой мобайнида режим 400 дан кўпроқ солдат ва офицеридан маҳрум бўлди.

Қўзғолончиларн и н г «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишича, Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти отрядлари Сальвадор армиясининг жазо операцияларини муваффақиятли барбод қилибгина қолмай, балки унга қаттиқ зарбалар бермоқдалар, режим қўшинларини мудофаага ўтиш ва чекинишга мажбур этмоқдалар. Ҳозирги вақтда мамлакат пойтахти шимолида атиги 70 километр масофада кескин жанглар бормоқда.

У ерда ватанпарварлар Синкера ва Хутнапа аҳоли пунктларига ҳужум қилиб, 34 кишини йўқ қилганлар ҳамда ҳарбий вертолётни уриб туширганлар.

Мамлакатда иш ташлашлар кучаймоқда. Сальвадор меҳнаткашлари иш ҳақи ошишини, меҳнат шароитларн яхшиланишини, мамлакатда режим граж. аҳолисига қарши авж олдириб юборган репрессия ва террор тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

Шарҳловчиларнн и н г тан олишича, Дуартенинг шарти кетиб парти қолган режими Рейган маъмуриятининг тобора кўпроқ ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий қўллаб-қувватлаши туфайлигина ҳокимият тепасида турибди. Лекин АҚШнинг ҳеч қандай ёрдами унинг кўғирчоқларини ватанпарвар кучлар қисуви натижасида қулашини қутқариб қололмайди.

ҒИШТГА... «АСАЛ» ҚЎШИЛГАН

Шри-Ланка оролининг марказий қисмидаги Арамота деган жойда археологлар қазиш ишларн олиб боришганда бундан 5 асрдан кўпроқ вақт олдин қурилган бинонн топишди. Олимларни бино қурилишида фойдаланилган ғиштларнинг ўта чидамлиги ҳайрон қолдирди. Кузатишлар давомида ғиштлар нинг пишиқлиги сирини ўчишга муваффақ бўлиндн. Қадимги усталар ғишт тайёрлашда ёввойи асалари асалидан фойдаланишган экан. Тропик қуёш остида қизиган «асал»ли ғиштлар шунчалик мустаҳкамки, ҳатто беш асрдан сўнг ҳам уларни болға билан уриб синдириш қийин.

ҒАЙРИ-ТАБИИЙ ҚУТҚАРУВЧИЛАР

АҚШда денгиз қутқарув хизматига янги ходимлар — денгиз арслонлари келиб қўшилди. Махсус ўргатилган денгиз арслонлари узоққа сузиб кетган ёки сузиш даврида ҳолдан тойганларга ёрдам беради. Улар чўкувчиларни қирғоққа олиб чиқиши ёки уларга қутқарув белбоғларнни олиб бориб бериши мумкин. Айниқса қутқарувчи арслонлар хизмати фалокатли пайтларда қўл келади. Ахир улар қутқарув кемаларидан тезроқ — соатнга 48 километр тезликда сузиш мумкин. Бу йил ёзда икки денгиз арслони — Жон ва Фэй — қутқарувчи сифатида хизмат қила бошлайди.

Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. АДРнинг тўқимачилик саноатига яна бир замонавий корхона қўшилди. Мамлакат ғарбидаги Ҳирот шаҳрида янги йигирув фабрикаси ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. Корхона коллективи бу йил республикага аҳоли ўртасида ғоят харидоргир бўлган бир миллион метрдан кўпроқ ҳар хил газлама етказиб беришни режалаштирмоқда.

Тўқимачилик саноати Афғонистон экономикасининг бир мунча интенсив ривожланаётган тармоқларидан биридир. Кобул, Пули —Чархи, Ғузоргоҳ, Бағрами, Балҳ, Кандахордаги комбинатлар ҳар йили бир неча миллион метр юқори сифатли жун ва ипгазлама тўқиб чиқармоқда, бу газламалар чет эллардан келтириладиган газламалардан қолишмайди.

***

НЬЮ-ЙОРК. Покистон қамоқхоналарида юзлаб сиёсий маҳбуслар ниҳоятда оғир шароитларда яшамоқдалар дедн оппозициячи партиялар энг йирик блоки —демократияни тиклаш ҳаракати раҳбарларидан бири Иқбол Ҳайдар. АП агентлигининг Исломободдан берган хабарига қараганда, у покистонлик журналистлар группаси билан суҳбатда бундай деган: демократияни тиклаш ҳаракати маълумотларига кўра, ҳарбий маъмурият таъқиқлаб қўйган сиёсий партияларнинг раҳбарлари, ёшлар ва хотинқизлар ташкилотларининг раҳбарлари ва активлари, ҳукуматга қарши намойишларнинг қатнашчилари Покистон қамоқхоналарида ётибдилар. Иқбол Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, уларнинг кўпчилиги «ҳарбий ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштиришда» айбланмоқда.

***

ДАМАШҚ. Сурия ҳукумати мамлакатда энергетиканн ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Кейинги ўн йил мобайнида мамлакат территориясида бир нечта электр станцияси барпо этилди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган Фрот гидроэнергетика комплекси бўлар орасида ҳақли равишда энг катта электр станция ҳисобланади.

Ҳозиргача мамлакатда қарийб 6,5 мингта шаҳар, посёлка ва қишлоқ ёки республикадаги аҳоли пунктларининг деярли 90 процентн электрлаштирилган.

***

БАЙРУТ. Исроил босқинчилари Ливаннинг миллий бойликларини таламоқдалар. Байрутда чиқадиган «Ас-Сафир» газетасининг хабар қилишича, Исроил археологларидан бир группаси Жанубий Ливанда жойлашган Айн-ота аҳоли пункти районида Ливан маъмурларининг рухсатисиз қазиш ишларини олиб борган. Археологик ишлар вақтида Рим ҳукмронлиги даврига мансуб қимматли қадимий ёдгорликлар топилган, босқинчилар бу бойликларни Исроилга олиб кетишган.

***

ҚОҲИРА. Қоҳирадаги Халқаро аэропорт дастлабки пассажирларни қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Аэропортнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилганидан кейин ҳар йили 7,5 миллион киши унинг хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади. Пойиҳада аэропортни янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. У 2000 йилга бориб, йилига 15 миллион пассажир таший олади, деб тахмин қилинмоқда.

Миср пойтахти орқали осмонда пассажир ва юк ташиш миқдорининг муттасил кўпайиб бораётганлиги туфайли ана шундай катта ҳажмдаги ишлар режалаштирилмоқда. Энг янги техника билан жиҳозланган аэропортнинг янги бинои пассажирларни расмийлаштириш, багажни ортиш ва тушириш учун зарур бўлган вақтни ярим соат камайтириш, бунда вужудга келадиган навбатларни тугатиш имконини беради. Самолётлар бевосита аэровокзал биноси ёнига келиб тўхтайди, бу ерда ҳаракат қиладиган йўлка уланади. Бинонинг ўзи ярим доира шаклида бўлиб, унда 7 та кутиш зали жойлашган.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

Газетхон Х. Абраев редакцияга хат йўллаб, Акмал Икромов «Райпродторг»нинг 3-магазини ва «Ташхлебторг»нинг 17-магазинида савдо қоидаларн бузилаётганн ҳақида шикоят қилган эдн. Хат текширш учун Тошкент шаҳар Советн ижроня комитетнинг савдо Бош бошқармасига юборилган эдн. У ердан жавоб олинди.

Х. Абраевнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда унда баён этилган фактлар рўй бергани аниқланди. Акмал Икромов «Райпродторг»ни бўйича чиқарилган буйруқ билан харидор ҳақидан уриб қолгани учун 3-магазин сотувчиси Н. Анга виговор эълон қилинди. Сотувчилар иши устидан етарли назорат йўқлиги, савдо қоиқарсиз ташкил этилгани учун магазин мудири М. Раҳмоновага виговор эълон қилинди. Бундай фактлар такрорланса у вазифасидан бўшатилажаги ҳақида огоҳлантирилди.

«Ташхлебторг» бўйича чиқарилган буйруқ билан харидор ҳақидан уриб қолгани учун 17-магазин контролёр-кассири Д. Масловага виговор эълон қилинди. Магазин мудири Р. Жўраевага ишидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Иккала магазинни текшириш материаллари торгларнинг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилди ва уларнинг иши устидан назорат кучайтирилди.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
5 ИЮНЬ, 1985 й.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАГАН ШЕЪРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен Пушкинни ҳамиша севиб ўқийман. Ҳар йили ушбу шодиёналар бошланадиган кунлар арафасида бир гап кўнглимдан кечади. Биз кўпинча Ўрта Осиёни Россияга қўшилиши муносабати билан хонадонимизга Пушкин ва Толстойлар кириб келди дейимиз. Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Инқилобдан илгари «Туркистон вилояти» газетасининг дастлабки сонларидаёқ Пушкин шеърлари ўзбек тилида чиқа бошлаган. Менинг бу бетимсол шеърият билан танишувим эса ўша машҳур «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак»дан бошланган эди...

— Пушкинхонлик кунлари программасида қандай тадбирлар кўзда тутилгани ҳақида билишни истардик.

— Пушкин ўзининг бетимсол шеърлари билан ер юзининг ҳамма халқларини эзгуликка, дўстликка, ҳамжиҳатликка чорлаган эди. Шунинг учун биргина рус, совет халқлари учунгина эмас, балки бутун дунё тинчликсевар халқлари учун ҳам шоир сиймоси азиз ва қадрдон.

Республикам и з д а Пушкин шеърияти байрамига алоҳида тараддуд кўрилган. Хусусан Тошкентнинг энг хушманзара жойлари, боғлар, хиёбонларда шоир шеърлари янграйди. Адабий учрашувлар ўтказилади, барҳаёт шеърият соҳиби ҳайкали олдида жўшқин мушоиралар ўтказилади. Хуллас, Пушкинхонлик кунлари яна ҳақиқий шеърият байрамига айланади...

Пушкинхонлик одатдагидек бир ҳафта давом этади.

А. С. ПУШКИН

ҲАЙКАЛ

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд:
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
Александр қуббасидан ҳам баланд.

Йўқ бутунлай ўлмайман, — қалбим яшар лирамда,
Тупроғим-ла чиримай, яшайди у то абад,
То бирон шоир-понр қолар экан оламда,
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.

Овозим-ла чулғанур поёни йўқ улуғ Русь,
Ундаги барча эллар мени ёдлайди ҳар дам,
Мағрур славян насли, бугунги авлоқ тунгус,
Фин халқию, даштлар дўсти қалмоқ ҳам.

Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки, рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
Шу ёвуз замонамда куйладим эркин мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.

Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомим париси,
Ранжида хотир бўлма тожу гулчамбардан кеч,
Лоқайд қабул эта бер мадҳу туҳмат барисин:
Аҳмоқ билан эса ўчакишма ҳеч.

1836 йил.

ИЛМИЙ СЕССИЯ

БУГУН

Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг жозибадор лирикаси етиб бормаган бирон хонадонни топиб бўлмаса керак. Шоирнинг янгроқ сози худди ўзи орзу қилганидек эндиликда бутун мамлакатимиз халқлари орзу-тилакларига ҳамоҳанг жаранглмоқда.

Шоир номи билан аталадиган Тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида А. С. Пушкин ижодини ўрганиш масалаларига бағишланган IX анъанавий илмий сессия бўлиб ўтди.

Илмий сессияда ЎзССР Фанлар академиясининг академиги М. Нурмуҳамедов, филология фанлари кандидатлари Р. Собирова, Д. Қамбарова, М. Иброҳимов ва бошқа ўртоқлар «Пушкин ва Карамзин—тарихчи сифатида», «А. С. Пушкин ва ўзбек совет прозасида тарихийлик проблемаси» каби мавзуларда қизиқарли докладлар қилдилар.

А. С. Пушкин ижодини ўрганишга бағишланган ушбу илмий сессия Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин комиссияси томонидан уюштирилди.

Душанбадаги Маяковский номли рус Давлат драма театрининг Тошкентдаги гастроллари



Душанбадаги Маяковский номли Халқлар дўстлиги орденли рус давлат драма театрининг шаҳримиздаги гастроль сафари муваффақият билан ўтмоқда.

Театр репертуарида бир қатор баркамол асарлар борки, улар узоқ вақтдан буён сахнадан тушмасдан муваффақиятли ижро этилаётир. Тожик адиби Садриддин Айний ҳаётига бағишланган икки қисмдан иборат «Бахтнинг сири» асари томошабинлар севиб кўрадиган спектакллардан бирига айланган. Бу асарни режиссёр Р. Нагорничних саҳналаштирган.

СУРАТДА: шу спектакдан лавҳа.

С. Каган фотоси.

ҚУШЁРЛИК — ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• Юрак кўтаролмайдиган кайф | • Хасталик сабабчиси—алкоголь | • «Оқ алаҳлаш»—оғир дард | • Ёзда музлаб қолган одам

Ҳаёт ширин, умр азиз. Уни соғломлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва хушчақчақлик билан ўтказиш нақадар катта бахт! Шундай фаровон турмушимиз гашти-сурурини билмаган баъзи ичкиликбозлар баднафслик билан алкоголли ичкиликларни суиистеъмол қиладилар. Спиртли ичкиликлар одамни турли оғир хасталикларга дучор қилади, соғлиғини емиради, умрини қисқартиради, меҳнат қобилиятини йўқотади, оиласини барбод этади, ниҳоят ўзини телба қилади. Ўлка медицина институти диабет бўлимининг мудири, медицина фанлари кандидати Носир ҚОСИМОВ билан мухбиримизнинг қуйидаги суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

• Ичкиликбозлик—иллат

АРАҚ ФОЖИАСИ

— Ҳурматли Носир Қосимович, суҳбатимиз ичкилик ҳақида экан, гапни алкоголнинг қандай ичкилик эканидан, унинг пайдо бўлишидан бошласак.

— Ичкиликни халқимиз «умр заволи», «ҳаёт оғуси», «телбалик суви» деб бежиз айтмайди. Дарҳақиқат, алкоголли ичкиликлар инсон саломатлигининг кушандаси, сиҳат-саломатликни емирадиган оғу — заҳар. Темирни занг емиргандек, одам аъзои-танига алкоголь ёмон путур етказади. Алкоголь жуда қадимдан маълум, тўғрироғи, одамлар ҳали деҳқончилик билан шуғулланмаган даврда ёввойи ҳолда ўсадиган узумдан алкоголь олишга ўрганганлар. Ривоят қилишларича, бир алхимик овқат қолдиқларини идишга йиғиб қўяверган, бир қанча вақт ўтгач идишдан ачиган ҳид келган. Алхимик унинг сувидан татиб кўриб, ўзини хушнуддек сезган ва одамлар учун фойдали ичимлик топдим деб уни «хуш ёқадиган» — арабча алкоголь деб атайди. Ана шу ичкилик тезда тарқалиб, ҳаётни издан чиқариб юборади ва одамлар бошига кўп кулфатлар солади. Бундан пушаймон бўлган алхимик афсусланади ва ўзини осиб ўлдиради. Кўринадики, алкоголь хуш ёқадиган ичимлик эмас, ҳаёт заҳари экан.

— Ичкилик одамнинг қайси аъзоларига кўпроқ зиён етказади?

— Спиртли ичимлик одамнинг ҳамма аъзои-танига қон билан заҳар бўлиб югуради, организм ҳолатини ўзгартириб юборади. Одатда, алкоголнинг таъсирида қон томири кенгайиб, ички аъзолардаги қон тери остига йиғилади-да, ўзидаги иссиқликни ташқи муҳитга беради, шунинг учун ичган одам қизариб-бўриқиб туради, исиб, бадани мисдек қизийди. Мана шундай юз қизиши, баданнинг исиши табиий бўлмай, алкоголнинг вақтинча, алдамчи иссиқлик бериши оқибатидир. Алкоголь берган бу иссиқлик тананинг табиий энергиясига сира тенглашолмайди. Ичкиликдан биринчи навбатда юрак озор чекиб, у қаттиқ безовта бўлади.

— Юрак фаолиятига ичкилик қандай таъсир кўрсатади?

— «Митти паҳлавон» — юрак бор-йўғи 200 граммдан ортиқроқ бўлиб, у ҳаётда жуда катта юмушни бажаради, беш литр чамасидаги қонни бутун аъзои-танимизга тўхтовсиз ҳайдаб бериб, «ҳаёт соати»ни юргизиб туради. Ичкилик туфайли танамизда суюқлик кўпайиб, қон миқдори ошиб кетади, натижада «митти паҳлавон»нинг иши оғирлашади, безовта бўла бошлайди, юрак уриш ритми бузилади, ҳаракати ниҳоятда тезлашиб, кейин секинлашади ва охир-оқибатда фалажланади.

— Алкоголь орқали туғиладиган ҳолатлар, касалликлар нималардан иборат?

— Машҳур адиб Кайковус ибн Вушмагир «Шаробхўрларнинг ҳосили икки нарса: ё беморлик, ё девоналик» деган. Ичкиликбоз кишиларнинг ранги-рўйи сўлғин, кайфиятлари ёмон, кўзлари нурсиз, қадам босишлари, ҳатти-ҳаракатлари бежо бўлади. Кўпинча улар ихтиёрсиз ҳаракат қиладилар, мазмунсиз ҳаёлга бериладилар, хотираларини тиклай олмайдилар. Ичкиликни суиистеъмол қилган кишиларда хаёлпаришонлик, қўл-оёқларнинг қалтираши каби ҳолатлар кузатилади.

Алкоголни сурункали ичган одамларнинг қонида оқ қон таначалари камайиб кетади. Маълумки, киши касал бўлганда унинг танасидаги оқ қон таначалари пайдо бўлган зарарли микроблар билан «ҳаёт ва ўлим» курашини олиб боради. Спиртли ичимлик заҳаридан озорланган организмда оқ қон таначалари камайиб кетган бўлса, улар зарарли микроб ва вирусларга қарши курашда енгиб чиқолмайди, натижада беморнинг аҳволи оғирлашади.

Алкоголь киши организмининг ҳамма аъзоларига — мия, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, буйрак, айниқса жигарга ёмон зиён етказади. Ичкилик таъсирида ошқозон шиллиқ пардаси ўзгаради, ўткир ва хроник катар (яллиғланиш) пайдо бўлади. Бикинда ва кўкрак остида оғриқ кучайиб, кўнгил айниш, қайт қилиш, кекириш ҳолатлари кузатилади, иштаҳа йўқолади, ошқозон ва ичакларда, тилда рак хасталиги пайдо бўлиши мумкин.

Спиртли ичимликларни сурункали ичадиган одамлар турли юқумли касалликларга, шу жумладан, шамоллаш, томоқ оғриғи, тумов, грипп, нафас қисиши, диабет каби хасталикларга тез берилувчан бўладилар.

— Наслнинг ногирон туғилиши алкоголга боғлиқ бўлса керак...

— Фарзанд — инсоннинг келажаги, қувончи ва бахтидир. Ота-она фарзандининг соғлом ва бақувват, дуркин, Рустам-Достондек бўлишини истайди. Ота-оналари ичувчи бўлган оилаларда нимжон, касалманд ва ногирон болалар туғилади. Сўнгги йиллар маълумотига қараганда, хроник ва венерик касалликларга йўлиққанларнинг 40 процентги наслсиздир.

— Ичган одамнинг меҳнат қобилияти сусайиши ҳақидаги фикрингиз.

— Одам ғирт маст бўлса ҳеч қандай иш қилолмаслиги ҳаммамизга маълум. Баъзилар, озроқ миқдорда ичкилик ичилса жисмоний ва ақлий меҳнат енгиллашади, деб ўйлашади. Бу мутлақо нотўғри! Аниқ текширишлар, ҳатто 30 грамм алкоголь дозаси мускул ишини 17 процент камайтиришини исботлади. Озроқ миқдордаги узум виноси ҳисоб-китоб билан шуғулланувчиларнинг кўп хато қилишига сабаб бўлади. Ақлий меҳнат кишилари ичган кунининг эртасига бошлари «тошдек оғир» бўлиб, фикрлаш қобилиятлари сусайиб кетади.

Спиртли ичимликларни сурункали ичиш хотирани, тафаккур қилишни сусайтиради, ижодий қобилиятни сўндиради, руҳий хасталикларни келтириб чиқаради.

— Руҳий касаллик — оқ алаҳлаш қандай хасталик?

— Ичкиликни узоқ вақт сурункали ичиш охир-оқибатда телбаликка олиб келади. Буни медицинада алкоголь делирийи (оқ алаҳлаш) дейилади. Ичкиликбозда оқ алаҳлаш авжга чиққанда иситмалайди, ваҳимага тушади, қаёрда эканини билмайди, ўзини қўярга жой тополмайди, ўрнидан сапчиб туриб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, алкоголь инсон саломатлиги, унинг азиз умрининг заволи, ҳаётни издан чиқарадиган сарқит дейимиз. Жонажон Коммунистик партиямиз ичкиликбозликни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилиб, бу ёмон иллатдан қутилиш тадбирларини ўз вақтида белгилаб берди.

Суҳбатни **Т. РАСУЛЕВ** олиб борди.

• Турмуш чорраҳаларида

«ОҚ»НИНГ ҚИЛМИШИ ҚОРА

Тўлавой икки-уч бетайинлар билан ошно бўлди-ю, уйга кайф билан келадиган одат чиқарди. Сешанба куни энди юришга ўрганаётган болага ўхшаб кўчадан аланг-таланг кириб келганида хотини Анзиратнинг кўзига дунё тор бўлиб кўринди.

— Бу нимаси, ўғил уйланадиган, қиз турмушга чиқадиган вақтида адаси кўчадан ичиб келаверса. Бу қанақа шармандалик! —деб кўзига ёш олди.

Ориф, Толиб ва Муаззам эса турган жойларида ҳайрон ва гирён бўлиб қолавердилар.

Роса уч кундан сўнг, яъни шанба куни аҳвол қайта такрорланди. Тер босган Тўлавой эшикдан девор ушлаб кириб келди. Анзиратнинг хунобиги ошди.

Жаҳл деганинн жиловласа бўларкан. Анзират: «Балки қилмишимдан ўзи уялар», деган андиша билан жаҳлидан тушиб, наҳорда эрига қатиқ, тушда эса мастава ичирди. Пешонасини маҳкам боғлаб олган Тўлавой «вой бошим-вой бошим» деяверіб, уйдагилар тоқатини тоқ қилди.

Душанба куни Тўлавой ишдан вақтида қайтди. Эрини соғ, вақтини чоғ кўриб, Анзират «вой гўрга-э», деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Тўлавой ҳам ўз навбатида:

— Бизга бугун қандан овқат насиб қиладн! — деб эркаланган бўлди.

— Лағмон-да, адаси,— дедн Анзират очиқ чеҳра билан.

Тўлавой хиргойи қилиб ўз хонасига кириб кетди. Шимнинг тагидан ярмитанн олиб, холодильникка қўйди. Аммо шу заҳоти шкшанн қайта олиб, кўздан кечирдн-да, кўп эмас, бнр қултумгина тортгнсн келди. Қултум «қулт-қулт» бўлиб кетдн. Тўлавой шкшанн совутгичга қўяр экан, «бараксн» учиб кетибдн-ку», — деб кўнглндан ўтказдн...

Бнр вақт Анзират «овқат пишдн, сузаверайми!» деб хонага кирнб келдн. Кирнб келдн-ю, капалаги учиб кетдн. Совутгичнинг эшнги ланг очиқ, уннинг тагнда Тўлавой беҳуш ётардн. Сал нарнда бўш шкша «бу меннинг ишнм», дегандай ғўдрайнб турардн.

Бнр пастда қнй-чув бўлиб кетдн. Қўни-қўшнилар ҳам ҳознр бўлншдн шунда. Совутгнчни беркитнб, Тўлавойнн ундан нарн тортншдн. Бнрн унн шапатлади, кўкрагнни уқалади.

— Тўлавой, ҳой Тўлавой! — дердн қўшнилар.

Қанн энди Тўлавойдан садо чиқса. Кимдир «Тез ёрдам» машнпасини чақирнш керак» деб қолдн. Машнна келганда Тўлавой музлаб, кўкарнб ҳам қолгандн. Унн текшнрган шифокор:

— Тавба, ёз чилласнда музлаб қолган кншнн бнрннчн марта кўрншнм, дедн-да, Тўлавойнн кўрпага ўраб-чирмаб, шифохонага олнб кетдн.

Эртасига Тўлавойдан хабар олншдн. Ҳайтовур муздан тушнб, ўзнга келибдн. Аммо лабн қнйшайнб, бнр кўзн олайнб қолибдн. Шундан берн Тўлавой ичнш у ёқда турсин, кайфн бор одам билан гаплашмайдн, ошхона, буфетнннг ённдан ўтмайдн. Бунпсн Анзпратнн ҳам, болаларнпн ҳам хурсанд қнлади. Лекнн эрнннг қнйшайган лабнга кўзн тушганда Анзпратнпнг кўнгли бузплиб, «ўзн оқ бўлса ҳам, қнлмншн қора ароқнпнг уйн куйсин», дейдн.

Зпкрнлла ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекнстон ССРда хпзмат кўрсатган врач.



— Юр, «пиво»хонлик қиламиз, роса лаззат бўлади-да.

— Ҳушёрхонага тушиб қолсак хўп кулфат бўлади-да.

— Хотин: — Вой нега бизнинг эшикни тақиллатаяпсиз, кимсиз ўзи!

Ичкиликбоз эр: —И-я, бурним қизарганига танимай қолдингми, хотинжон!

Хотин: — Қанн эржон, бахтли бўлиб қўшақариб яшайлик!

Ичкиликбоз эр: — Бу ичишингда, яқин вақт ичида алкашхонам бўласан, жоним.

— Ўғлим футболчи деганднг, ғирт тасқара бўлиб келяпти-ку!

— Ўзи шунақа, футбол ўйнаётганда ичиш у ёқда турсин, ҳатто чекмайди.

М. Унгаров расмлари.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газетхонлари олдинда боришмоқда.

● Оқшомхонлар оқ доналарни сураётган иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Ўтган чоршанба куни, яъни 29 майда газетамизда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида олмаоталикларнинг жавоб юриши эълон қилинган эди. Улар b6 катагида турган фарзин билан c5 катагидаги филни олишган эди. Шундан кейин оқ доналарда ўйнаётган тошкентлик шахмат мухлисари навбатдаги 33-юришни эълон қилишлари лозим эди.

Ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддат ўтди. Навбатдаги юриш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олдик. Газетхонларнинг кўпчилиги e2 катагида турган фарзинни a6 катагига юриш керак деган фикрни билдиришди. Жумладан, Р. Орипов, В. Девятов, В. Арделев, А. Зарницкий ва бошқалар шундай фикр билдиришган. Бу юриш «Камалак» шахмат клуби томонидан тўғри деб тасдиқланди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз: 1. d4d5 2. c4dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6 9. Ke5Kd7 10. K:g6hg 11. Ф:f3 Kc6 12. a3 Kb6 13. Ca2Фd7 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Крbl Кас4 17. Cc1 Крb8 18. e4 Фc6 19. Лd3f6 20. h4 Ce7 21. h5g5 22. Лhd1 Лd7 23. Фe2 e5 24. d5 ed 25. K:d5 K:d5 26. Лd5 Kb6 27. Л:d7 28. Cd5 Фc6 —b6 29. Cd5:b7 Ke5 30. ch7—d5 Cc6 31 Cc1—e3 Ce7—c5 32. Ce3:c5 Фb6:c5 33. Фe2—a6.



Шундай қилиб бу партияда юриш навбати олмаоталикларга келди. Ҳурматли газетхонлар, сизлар эса сиртқи шахмат матчи қандай бораётганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

• Физкультура коллективларида

Спорт—бардамлик ва интизом манбаи

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида физкультура ва спортга бардамлик ва интизом манбаи деб қаралмоқда. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта ёрдам кўрсатяпти. Мухбиримиз корхона меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ичкиликбозликка қарши кураш комиссияси раиси Валентина Константиновна ТУРАНОВА билан учрашиб, ундан жисмоний тарбияни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига таъсири ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Корхонамизда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ичкиликбозликка қарши кураш комиссиясининг ташкил этилганига анча бўлди. Қувонч билан айтиш керакки, олиб борилган ишлар юксак самара берди. Ичкиликка ружу қўйган ишчи ва хизматчиларни аниқлаш, уларга чора кўриш комиссиясига барча цех бошлиқлари жалб этилди. Комиссия аъзолари жамоат тартибини бузган ишчини аниқлаганидан кейин бевосита у меҳнат қилаётган цехга борib сайёр йиғилишни ташкил эта бошладн. Бу жуда катта самара берди. Кўп йил бирга ишлаган ҳамкасблар орасида қизариш жуда оғир, шунинг учун ҳам меҳнат интизомини бузувчилар, ишдан кейин жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичадиганлар камайди.

Корхона ишчи ва хизматчиларининг дам олиши мазмунли ўтишини таъминлайдиган барча тадбирлар кўрилган. Маданият саройида 22 тўгарак ишлаб турибди. Зал, стадион, усти ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган спорт комплекси мавжуд. Бу ерда 15 секцияда машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Физкультура коллективларн ташкил этилаётган «Меҳнат, маданият ва турмуш» эстафетасида актив иштирок этишмоқда. Эстафетада корхонадаги барча цех ва бўлимларнинг коллективлари иштирок этишади. Эстафетага якун чиқарилаётганда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, янги техника ва технологияни ўзлаштириш, ёшларнинг техникум ва олий ўқув юртларидаги таълим олиши билан бир қаторда спорт тадбирларида қандай иштирок этаётганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Эстафета оммавийликни оширнш билан бирга коллективларгаги психологик муҳитни мустаҳкамлашга, ўз «коллективим шарафи билан фахрланиш туйғусини шакллантиришга асос бўлди.

Корхонада ҳар йили қишки ва ёзги спартакиада ўтказиш анъана бўлиб қолган. Спартакиада программасидан шахмат, шашка, мерганлик, енгил атлетика, мини-футбол, ГТО кўпкураши, волейбол, стол тенниси, сузиш жой олган. Дастлаб цех ва бўлимларда беллашувлар ташкил этилади. Ғолиб чиққан ишчи-спортчилар якунловчи босқичда цех шарафини ҳимоя қиладилар. Бу нарса оммавийликни ошириш билан бирга меҳнаткашларнинг дам олиши мазмунли ўтишига ҳам ёрдам бермоқда. Фақат ўтган йилги тадбирларда цех ва бўлимларнинг 250 командаси иштирок этди. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат шашка бўйича завод чемпионати ва кубок баҳсларини ташкил этиш анъана бўлиб қолган.

Икки йилдан буён «Бутун бригада билан—стадионга» шиори остида мусобақалар ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Бунга аҳолн турар жойларида ташкил этилган секцияларни ҳам қўшимча қилиш керак. Фақат ўтган йилнинг ўзида Луначарское шоссесининг жанубий томонидаги аҳоли турар жой массивида «Олимпиадачи» деб номланган спорт клуби ташкил этилди. Бу ердаги самбо кураши секциясида корхона ишчи ва хизматчиларининг 200 дан зиёд фарзанди шуғулланмоқда. Кекса ёшдагилар учун соғломлаштириш группалари ташкил этилган. Ҳозир ишлаб турган олти группада 120 дан зиёд киши шуғулланмоқда. Сузиш ҳавзасида эса 24 та соғломлаштириш группаси фаолият кўрсатмоқда. Машғулотларда иштирок этаётган 230 ишчи ва хизматчи бўш вақтини ўз саломатлигини мустаҳкамлашга сарфламоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён ритмик гимнастика машғулотларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси коллективнинг асосий кўрсаткичи —меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ёрдам берди. Айни пайтда ишга келмаслик, ишга кечикиб келиш сингари тартиббузарликлар кескин камайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ишлаб турган спорт залларидан, стадионлардан ва бошқа иншоотлардан самарали фойдаланиш, микрорайонларда соғломлаштириш, маданий-тарбиявий иш олиб бориш учун хонадонлар ва майдончалар ажратиб жиҳозлаб қўйиш, меҳнат коллективларининг, кўнгилли спорт жамиятларининг, аҳолининг энг оддий спорт иншоотлари қурши соҳасидаги ташаббусини ҳар томонлама рағбатлантириш вазифаси қўйилган. Биз бу талабларни бажариш учун барча имкониятларни ишга сола миз.

Шаҳримиз спорт майдонларида

● Сергели районидаги «Спутник» стадионида қизиқарли енгил атлетика эстафета мусобақаси ташкил этилди. Ғолиблик учун райондаги мавжуд ўн икки болалар боғчасининг тарбиячилари курашишди. 4х100 метр масофага ўтказилган эстафетада 552-болалар боғчасининг тарбиячилари энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгалладилар. Команда составида Н. Виноградов, И. Окоропова, С. Ивапова, Ж. Каминина бор эди.

Иккинчи ўринни 305, учинчи ўринни эса 121-болалар боғчаларининг тарбиячилари эгаллашди.

● Совет армияси майдонида болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган спорт ва маданият байрами ўтказилди. Томошабинларнинг олдида боксчилар, дзюдо ва самбочилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса бу йилги республика чемпиони дзюдо бўйича спорт мастери Нелли Қиёмова ва спорт мастери Елена Шанинанинг чиқишлари кўпчиликка маъқул бўлди. Ўтган йилги СССР чемпионатининг бронза совриндори Елена Шанина намунали чиқиш пайтида ажойиб усулларни ишлатиб байрам қатнашчиларига катта завқ бағишлади.

● «Спутник» стадионида XI район спартакиадаси программасидан жой олган футбол беллашувлари ўтказилди. Майдонда «Узторцветмет» ва резина техника буюмлари заводларининг командалари беллашишди. Бу сафар резина техника буюмлари заводининг командаси ғолиб чиқди.

● Шахмат ва шашка бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз бўлди. Ўйин олимпиада системаси тарзида ўтказилди. Барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган «Октябрь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери А. Бойбулатов биринчи ўринни эгаллади. Пенсионер Г. Пак иккинчи, 7-ўрта мактаб ўқувчиси Э. Очилдиев учинчи ўринни эгаллади.

● Шашка баҳсларида эса барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган К. Дўстмуҳамедова биринчи совриндор бўлди. 7-ўрта мактабининг ўқувчиси Э. Очилдиев бу ерда иккинчи ўринни эгаллади. 8-ўрта мактабининг 6-синф ўқувчиси М. Исмонлова эса учинчи ўринни эгалладн.

Ҳар бир баҳсда 70—80 мухлис иштирок этганлигини назарда тутадиган бўлсак ғолибларга биринчи ўринни эгаллаш осон бўлмаганлигини тушунамиз.

● Клуб командалари ўртасида футбол бўйича республика чемпионати давом этмоқда. Навбатдаги турда Тошкентнинг «Трактор» командаси ўз майдонида Самарқанд шаҳрининг «Экспресс» коллективини қабул қилди. Учрашувда 1:0 ҳисобида меҳмонлар ғалабага эришдилар.

(Газетанинг кейинги сони 7 июнда чиқади).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент БЕТ. ОҚШОМИ

5 ИЮНЬ, 1985 й.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

7-8 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

«ҒАЛАБА БАҲОРИ»

ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Давлат хизмат кўрсатган «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФАРРУХ ЗОКИРОВ.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ ЛАУРЕАТИ «САДО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ ГРУППАСИ

Бадиий раҳбар — ВЛАДИМИР БАРАМИКОВ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг

ЭСТРАДА ВА СИМФОНИК МУЗИКА ОРКЕСТРИ.

Дирижёрлар — ДОНИ ИЛЕСОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЕВГЕНИЙ ЖИВАЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

РАЪНО ШАРИПОВА, ШАҲБОЗ НИЗОМИДДИНОВ.

Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари:

НАТАЛЬЯ НУРМУҲАМЕДОВА ВА МАНСУР ТОШМАТОВ.

Бутуниттифоқ конкурсларнинг лауреатлари:

НАДЕЖДА ЧУРАДАЕВА ВА ПАВЕЛ БОРИСОВ.

Солистлар: Ҳуррият ИСРОИЛОВА ВА ИРИНА ПРАВОСУДОВА.

ПРОГРАММАНИ Литва ССР давлат мукофотининг лауреати ВЛАДИМИР ЛАПИН, Бутуниттифоқ конкурси лауреати РИФАТ ИСМАГИЛОВ ва ЛЮДМИЛА БЕССАРАБОВАлар олиб борадилар.

БИЛЕТЛАР СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ КАССАЛАРИДА СОАТ 14 ДАН 19.00 ГАЧА СОТИЛМОҚДА.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

1985-86 ўқув йили учун

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ УЧУВЧИЛИК ВА АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, СОҒЛИҒИГА КЎРА ТАНЛАНГАН ИХТИСОС БЎЙИЧА ИШГА ЯРОҚЛИ ЭРКАКЛАР (Ленинград ва Красноярск билим юртларига эса аёллар) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. УЧУВЧИ, ШТУРМАН ИХТИСОСИГА 17 ДАН 23 ЁШГАЧА, БОШҚА ИХТИСОСЛАРГА 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШИ МУМКИН.

Билим юрти учувчилар, ҳаво ҳаракатини бошқариш диспетчерлари, самолетлар ва авиадвигателлар, радиоускуналар, самолёт приборлари ва электр ускуналари, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланувчи техниклар, ерда туриб самолётни бошқариш радиовоситаларига техника хизмати кўрсатувчи техниклар, парвознинг ёруғлик-техник таъминоти воситаларига техника хизмати кўрсатувчи электрик, юк ташиш ва коммерция хизмати ходимлари аэропортларда механизация воситаларининг техник эксплуатацияси бўйича техник-механиклар, парвоз давомида хизмат кўрсатувчи техник-технологларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати 2 йилу 9 ой.

АРИЗА, ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА МЕДИЦИНА ТАСДИҒИДАН ЎТКАЗИШ:

Тошкент шаҳрида — 25 июлгача қуйидаги адрес бўйича: 167-алоқа бўлими, ўқув-тренировка аэропорти, қабул комиссияси, телефон 99-83-17. Медицина тасдиғидан ўтказиш —25 июлгача;

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида истиқомат қилувчилардан қуйидаги адресда: Нукус шаҳри, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина тасдиғидан ўтказиш —25 июндан 15 июлгача;

Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё областларида яшовчилардан қуйидаги адрес бўйича: Самарқанд шаҳри, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина тасдиғидан ўтказиш —20 июндан 8 июлгача амалга оширилади.

Учувчилик ихтисоси бўйича ўқишга кирувчи абитуриентлар қўшимча равишда Тошкент шаҳрида профессионал-психологик танлаш ва жисмоний тайёргарлик бўйича синовдан ўтадилар.

Техника ихтисослари ва ҳаво ҳаракатини бошқариш ихтисоси бўйича кириш имтиҳонлари Самарқанд шаҳрида 8 июлдан 13 июлгача, Нукус шаҳрида 15 июлдан 19 июлгача, Тошкент шаҳрида—22 июлдан 6 августгача ўтказилади.

Граждан авиацияси билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, ўрта маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), иш жойидан характеристика (ишлаб чиқариш стажига эга бўлган шахслар учун), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахслар учун), 6 дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (086/У форма), таржимаи ҳоли.

Учувчилик, ҳаво ҳаракатини бошқариш мутахассислиги ва ҳаво кемаси бортида пассажирларга хизмат кўрсатиш ихтисосига кирувчилар психоневрологик диспансердан справка ва рентгенолог хулосаси қўйилган тарзда бурун катаклари ўсимталари рентген суратини тақдим этадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган шахслардан граждан авиацияси билим юртига кириш учун аризалар қабул қилинмайди.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо). Рус тилини миллий мактабларда ўрганганлар иншо ўрнига диктант ёзишлари мумкин.

Нефть ва газни транспортировка қилиш ва сақлаш, ҳаво ҳаракатини бошқариш, аэропортларда механизация воситаларининг техник эксплуатацияси, парвозларнинг ёруғлик-техника таъминоти воситаларидан ва электр қурилмаларидан фойдаланиш ихтисосларига умумий таълим мактабларини 4 ва 5 баҳолар билан битирганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Граждан авиацияси билим юртларининг курсантлари тўла давлат таъминотида бўладилар: уларга бепул ётоқхона, озиқ-овқат, формали кийим-бош ва ойига 9 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртига кириш ва ўқиш жойига бориш билан боғлиқ харажатларни ўқишга кирувчилар ўз ҳисобидан қоплайдилар.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА, ШУНИНГДЕК АЭРОПОРТЛАРНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЁҒОЧ САВДО БАЗАСИ

ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ

НАҚД ПУЛГА СОТАДИ

ШИФЕР **20 дона, ҳар донасининг баҳоси 2 сўм 20 тийин:**

БОҚҚА ЎРНАТИЛАДИГАН ТЎСИН ДЕВОРЛИ ЁЗЛИК УЙ. **Баҳоси — 2740 сўм;**

БОҚҚА ЎРНАТИЛАДИГАН ЁЗЛИК ТИПОВОЙ УЙ. **Баҳоси — 3011 сўм, 1.800 сўм.**

ТУРЛИ НАВДАГИ АРРАЛАНГАН ЁҒОЧ МАТЕРИАЛЛАРИ;

ШВЕЛЛАР **16-Б, 1 тоннаси 350 сўмдан;**

Ф. 103 ММ. ПЎЛАТ ТРУБАЛАР **1 метри 4 сўм 05 тийиндан;**

РУБЕРИОД. **1 ўрама 4 сўм 35 тийиндан;**

ТУНУКА ЧЕРЕПИЦА (1,25 мХ1, 25 м. ҳажмида) **донаси 4 сўм 20 тийиндан;**

ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЁНКА. **Баҳоси — 1 метри 0.70 тийин.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, М. Ашрафий кўчаси 9-уй.

Тошкент ёғоч савдо базасининг Октябрь район филиали адреси: Тошкент шаҳри, Металлистлар кўчаси, 100-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ВА «ТАШГОРОБУВЬРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шахсий буюртмалар бўйича оёқ кийимлари тикувчи пойафзалчи.

Ўқиш муддати — 8 ой; **оёқ кийимларини ремонт қилувчи пойафзалчи.**

Ўқиш муддати —4 ой.

Стипендия — 30 сўм.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи 16 дан 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Машғулотлар грушаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма) ота-онасининг иш жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида). мактаб ёки иш жойидан характеристика.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй. Ўқув комбинати (2, 16-трамвайларнинг, 19, 156-автобусларнинг «Узбексельмаш» бекати). Телефон 35-25-64.

Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, Баранов кўчаси, 54-уй. «Ташгоробувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси (9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Телефонлар: 56-02-83, 56-06-66.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Шахсий пенсионерлар, Улуғ Ватан урушининг 1, 2, 3-группа инвалидлари ва улар билан бирга истиқомат қилаётган оилаларнинг аъзолари, боқувчисидан ажралганлиги муносабати билан ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олаётган оилалар фойдаланилаётган ҳар бир киловатт-соат электр энергияси учун 2 тийиндан ҳақ тўлаш имтиёзига эгадирлар.

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ана шу имтиёздан фойдаланадилар:

ҳарбий хизматчи сифатида ва кўнгилли равишда ёлланиб Улуғ Ватан урушида иштирок этганлар, ҳаракатдаги армия қисмларида хизматни ўтаётганлар (ишлаётганлар), умумий касаллик, ишлаб чиқариш жароҳати ва бошқа сабаблар натижасида инвалид деб топилганлар;

вафот этган Улуғ Ватан уруши инвалидларининг умр йўлдошлари;

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даражадаги Шуҳрат орденининг кавалерлари.

Ушбу имтиёз тегишли ҳужжатлар энергия билан таъминловчи ташкилотларга тақдим этилган кундан бошлаб жорий этилади.

ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН БАРЧА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агарда қайта регистрациядан ўтмаган бўлсангиз, «Узгосэнергонадзор»нинг шаҳар бўлимига, ҳафтанинг иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача кириб ўтишингизни илтимос қиламиз.

Ёнингизда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак: шахсий пенсионерлар, Улуғ Ватан уруши инвалидлари — паспорт, абонентлик китобчаси, имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи пенсия китобчасига эга бўлишлари лозим.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, умумий касаллик, ишлаб чиқариш жароҳати ва бошқа сабаблар натижасида инвалид деб топилганлар паспорт, абонентлик китобчаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг гувоҳномаси, пенсия китобчаси, инвалидлиги тўғрисидаги ВТЭК справкасига эга бўлишлари лозим.

Вафот этган Улуғ Ватан уруши инвалидларининг умр йўлдошлари паспорт, абонентлик китобчаси, никоҳ гувоҳномаси, умр йўлдошининг уруш инвалиди бўлганлигини тасдиқловчи гувоҳнома билан келишлари керак.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даражадаги Шуҳрат орденлари билан мукофотланганлар паспорт, абонентлик китобчаси, мукофотланганлигини тасдиқловчи орден китобчалари билан келишлари лозим.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 1 Май кўчаси, 101-уй, телефон 33-72-90, 33-78-60.

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

КРАЗ-256, МАЗ-503, КАМАЗ маркали автомашиналарда ишлайдиган «Е» категориясидаги 1, 2, 3-класс автомобиль ҳайдовчилари; 4-5 разрядли автомобиль ремонтчи слесарлари, 5 разрядли қўлда чўкичловчи темирчи, меҳнат ва иш ҳақи катта инженери, ёқилғи-мойлаш материаллари омбори катта омборчиси, нефть маҳсулотлари тақсимотчиси, оператор

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхона, оилалиларга — навбатга биноан квартиралар берилади.

Болалар боғча-яслиси ишлаб турибди.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (171, 183-автобусларнинг «9-автобаза» бекати).

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

«ТАШПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МАШИНКАДА ЁЗУВ БЮРОСИДА

диссертациялар, диплом ишлари, докладлар, протоколлар, ҳар хил мураккабликдаги жадваллар


ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ КЎЧИРИБ БЕРИЛАДИ



Муассасалар ва оддий кишилар бюронинг хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Буюртмаларни бажариб бериш муддати буюртмачи билан келишилади. Хизмат ҳақи учун баҳолар прейскуранти бўйича нақд пул тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 185-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, Е-квартали, 6-уй. Телефон 77-84-77.



«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

РЕМОНТ БЎЙИЧА ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МАЛАКАЛИ УСТАЛАР БУЮРТМАЧИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ПАРКЕТ ПОЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАБ БЕРАДИЛАР: ЖОЙЛАШТИРАДИЛАР, РАНДАЛАЙДИЛАР, ШПАКЛОВКАЛАЙДИЛАР, ЛАК СУРТИБ ЖИЛОЛАЙДИЛАР.

Усталар бирлашманинг материалларидан квартираларда майда ремонт ишларини бажарадилар. Эшик ва дераза ларга ойна туширадилар, эшикларга дермантин қоплайдилар, деворларни қошинлайдилар.

Ремонт юзасидан қуйидаги адресда жойлашган марказий диспетчерлик хизматига буюртма бериш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 «а»-уй ёки қуйидаги телефонлар орқали: 44-63-15, 44-61-45, 44-28-01.

АҲОЛИ ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН МАИШИЙ, МАДАНИЙ МАҚСАДДАГИ БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/VI да **Қуёшга таъзим қил**, 6/VI да **Кармен**, 7/VI да **Қуёшга таъзим қил**.

кино

5 ИЮНДА **БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; Телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00; Телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«АЙРИЛИҚ ОЛДИДАН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Восток** (жуфт соатларда ва 21.00, телефон 91-14-61).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (тоқ соатлар).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДЛАР ДЎСТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

«ҚРИМДА ИККИНЧИ МАРТА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

6 ИЮНДА **БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН Ю...» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 35-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«АЙРИЛИҚ ОЛДИДАН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Восток** (жуфт соатларда ва 21.00, телефон 91-14-61).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

5, 7 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Р. АБДУЛЛАЕВ.

«ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ»

(Икки пардали балет-оратория)

А. РАҲИМОВ либреттоси (Ў. Умарбековнинг «Шошма қуёш» пьесаси асосида).

Дирижёр— А. СЕРЕБРЯНИК.

Постановкачи балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. ЯНСОН.

Балетмейстер — А. РАҲИМОВ.

Рассом — Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. ФЕСЬКО.

Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКУРТ, М. ЯНДРИНСКАЯ.

Билетлар театр кассасида соат 11 дан 20.00 гача (танаффус соат 15 дан 16.00 гача) сотилади.

Справкалар олиш учун телефон 33-90-81.

ТВ

ЧОРШАНБА

5 ИЮНЬ ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

18.20 «БАМ қурилиши давом этади».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 «Вешенский баҳори». Телеочерк.
20.25 «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Дания — СССР терма командалари. Данияда олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби».
19.20 «Воронов кадриллари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.40 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.10 Н. Агапкин асарларидан концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «38 та тўти». Мультфильм.
20.45 «Походларда кўп йўл босилди». Адабий-музикали композиция.
21.30 «Время».
22.00 В. Сергеев. «Кузнинг мафтун этувчи кунлари...» Телеспектакль.
23.10 Куба артистлари ижро этади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сариқ тумшуқли Пики». Мультфильм.
18.30 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат».
19.00 «Хушёрлик —ҳаёт нормаси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси Уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
22.15 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Абитуриент-85». А. Абдурахмонов номли Тошкент политехникуми (рус.).
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
21.00 «Транспорт ва йўловчи

ПАЙШАНБА

6 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «Саёҳатчилар клуби».
11.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Болалар учун фильм. «Напалеон 3 лақабли лайча».
17.10 «Инсон — замин соҳиби».
18.10 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР—Франция терма командалари. 2-тайм. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Жонли ўйинчоқ». Мультфильм.
19.40 «Миллионлар ленинча университети». «Оила ва жамият».
20.10 С. Захаров куйлайди.
20.25 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Поэзия» альманахи. Пушкинга бағишланади.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ер ости салтанати пиллапоялари». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 «XIX аср биринчи ярмида рус санъати». А. Г. Венецианов.
10.15 «Кузнинг мафтун этувчи кунлари». Телеспектакль.
11.25 «Музика ва ҳаракат».
12.35 «Жиноят». Бадиий фильм, субтитр билан. 1-фильм.
13.50 Испан тили.
14.20 «Ҳайкал». Фильм-концерт. Пушкинга бағишланади.
15.10 «Сфера». Бу ўзи нима?»
15.50 Й. Церемуга. 3-симфония.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Испания — Югославия терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Эмлашдан қўрққан бегемот ҳақида». Мультфильм.
20.45 «Усмликлар дунёси».
21.30 «Время».
22.05 «Иван Никулин—рус матроси» Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бароқ айиқ ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
10.45 «Биз — жаҳон болалари» (такрорий).
11.35 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.40 КПСС XXVII съезди олдидан. «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида». Қўқон нон комбинати коллективи ҳақида ҳикоя.
19.10 «Мен ўзим». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 И. Исоқов, Қ. Юсупов, М. Орипов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 В. Шекспир. «Ричард III». Й. Охунбобоев номли Андижон область музикали драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Тоғлар чорлайди». Ҳужжатли фильм.
18.25 Абитуриентлар учун. Биология.
18.55 «РАПО амалда». Ҳужжатли фильм.
19.15 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль» (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Афсонага айланган кишилар». «Разведкачи Н. Кузнецов». Ҳужжатли фильм.
20.30 Реклама.
20.40 «Пушкин ҳақида монолог». Телефильм.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

7 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МАСК» (Москва) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси коллегияси ва жамоат ташкилотлари бошқарма бошлиғининг ёрдамчиси Т. Р. Турсуновга отаси

Рафиқ Алимович ТУРСУНОВнинг

вафот этгандиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

5 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (**«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12303. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**